# САЙЛОВЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОКИМИЗ — ЎЗ ТАҚДИРИМИЗГА ФАОЛ МУНОСАБАТИМИЗДИР!




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ





1999 йил 4 декабр шанба

Сотувда эркин нархда

№ 240 (2278)





Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар куни

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 декабр куни Оқсарой қароргоҳида Миср Араб Республикаси "ал-Азҳар" мажмуасининг шайхи Муҳаммад Саййид Танговийни қабул қилди.

Ўзбекистоннинг Миср билан муносабатлари, айниқса, илмий, маданий соҳалардаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётир. Бир неча йилдан буён Ўзбекистон телевидениеси орқали кино усталари ишлаган "Муҳаммадун Расулуллоҳ" фильми намойиш этилмоқда. Ўзбекистонлик ёшлар ушбу мамлакатнинг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил оляпти, маданият ва санъат, илм-фан намояндалари, бошқа соҳа ходимлари, сайёҳлар мунтазам равишда ўзаро борди-келди қилиб турибди. Бундай ҳамкорликлар боис халқларимиз ўртасида қадим даврларда қарор топган ришталар ҳозирги кунда янада бойиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

Учрашувда Ўзбекистон-Миср муносабатларини янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама, жумладан, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик ҳам ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Айни пайтда ҳарбий соҳадаги икки томонлама алоқаларнинг 1999 йилги натижалари сарҳисоб қилинмоқда. 2000 йил учун эса ҳамкорлик тўғрисидаги янги ҳужжат ишлаб чиқилган. Ислом Каримов имзоланажак бу ҳужжат ҳақида тўхталиб, унинг пишиқ ва пухта тайёрланганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги билан АҚШ Қуролли кучларининг Марказий қўмондонлиги ўртасидаги ҳамкорлик, шунингдек, икки давлат ўртасида халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳарбий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Президентимиз юртимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Эксимбанки бошқаруви раиси Ман Ки Янгни ҳам қабул қилди.

Ушбу банк икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишда, корейс компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини амалга оширишда ўзининг молиявий кўмаги билан фаол иштирок этиб келаётир. Куни кеча Тошкентнинг Кўкча даҳасида ишга туширилган улкан тўқимачилик корхонасининг барпо этилишида унинг салмоқли ҳиссаси бор. Эксимбанк ДЭУ, Самсунг каби компанияларнинг Ўзбекистондаги фаолиятини ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаяпти.

Президент Ислом Каримов ўтган октябр ойида Сеулга буюрган ташрифи асносида мазкур банк раҳбари билан учрашганида, янги лойиҳалар ҳақида сўз борган эди. Айни пайтда Ман Ки Янг давлатимиз раҳбарининг таклифи билан юртимизга келиб, бу ердаги вазият билан яқиндан танишяпти.

Мулоқот чоғида илгари эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни хусусида сўз борди. Томонлар янги лойиҳалар тузиш бўйича ҳам ўзаро фикрлашиб олдилар.

**(ЎзА)**




**Айни пайтда юртимиздаги ҳар бир сайлов участкасига ташриф буюрган киши эртанги сайлов тадбирларини ўтказиш учун ана шундай қизғин фаолият олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлади.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## ТАРИХИЙ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАР

***Биз мамлакатимиз ҳаётидаги катта воқеа арафасида турибмиз. Эртага — сайлов. Бу кунни, чиндан ҳам, тарихий кун деб атасак бўлади. Ва, бу кунда тегишли сайлов участкаларига бориб, Ватан, халқ ишончига лойиқ номзодларни танлаб, улар учун овозимизни берадиган лаҳзаларни энг масъулиятли, тарихий дамлар деб атасак, зинҳор муболаға бўлмайди.***

Мамлакатимиз Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи органдир. Бу даргоҳда Ватанимизнинг, истиқлолимизнинг келажагига йўлланма бўладиган қонунлар мажмуаси яратилади. Шу билан бирга, аввал қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларга давр, тараққиёт талаби билан зарур ўзгартиришлар киритилади. Биз эса, Парламентимиз дунёга келтирган ва такомиллаштирган ана шу қонунлар асосида яшаймиз. Бутун борлиғимиз, фикримиз, меҳнатимиз, ижодимизни ана шу қонунларни бажариш учун бахшида этамиз. Қонунлар — ижтимоий-сиёсий ҳаётда, мамлакат тараққиётида катта куч, муҳим ҳуқуқий-сиёсий дастурлардир. Бинобарин, уларни яратувчилардан ҳам ана шунга яраша кучли салоҳият, малака, тафаккур, куч-ғайрат талаб қилинади. Сайловнинг, депутатликка сайланишнинг ва биз, уларни шу юксак ваколатли органларга сайловчиларнинг олдимизда турган тарихий масъулият ана шу улкан вазифалардан келиб чиқади.

1994 йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтган I чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлар корпуси ўз ваколатини якунлаш арафасида турибди. Эътироф этишимиз керакки, ўша биринчи сайловдаёқ халқимиз ўз онги, маънавиятида истиқлол йилларида юз берган туб ўзгаришларни ғоят порлоқ жиҳатлардан намоён қила олди. Бунинг исботи шуки, I чақириқ Парламентимиз депутатлари алоҳида фидойилик билан ишлаб, Ватан, халқ билдирган ишончни тўла-тўкис оқлади. Олий Мажлиснинг ўтган 15 та сессиясида 10 та кодекс, 2 та миллий дастур, 145 та қонун, 452 та қарор қабул қилинди. Амалдаги қонунларга 216 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, 70 та халқаро шартнома ратификация қилинди. Халқаро конвенцияларга қўшилиш тўғрисида 58 та қарор қабул қилинди. Кўриниб турибдики, Парламент юксак даражада самарали ишлади, бу фаолиятнинг мазмуни улкан аҳамиятлидир.

Атиги битта далил келтирайлик. Ўтган Парламентда, масалан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Бу стратегик мазмунли ҳужжатни тайёрлаш учун Президентимиз бошчилигида Олий Мажлис депутатлари беқиёс қизғин ва тинимсиз меҳнат қилди. Ушбу дастур Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш савиясини энг илғор халқаро андозалар даражасига кўтарди, таълим тизимига эътиборни ва бу соҳадаги фаолиятни тубдан ўзгартирди. Биздаги ҳозирги таълим тизимида юз бераётган янгиланишларга наинки қўшни мамлакатлар ҳавас билан қараяпти, балки жаҳондаги энг илғор мамлакатлар ҳам унинг ноёблигини эътироф этмоқда. Мана шу битта сиёсий ҳужжатнинг ўзи ўтган Парламент мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун қандай катта ишлар қилганлигини кўрсатиб турибди.

Бугун Ўзбекистон ўз ривожланишининг янги босқичи арафасида турибди. Ўтган сайловдан кейинги 5 йил ичида мамлакат ҳаёти ва одамлар янада ўзгарди. Демократик ва иқтисодий ислоҳотлар ғоятда фаоллашди. Жумладан, ҳозирги сайлов ҳам тамомила бошқача бир шароитда ўтмоқда. Бинобарин, бу сайловда шакллантириладиган янги Парламент моҳият эътибори билан тараққиёт илгари сурган янги тарихий вазифаларни ҳал этади. Биз сайлайдиган депутатлар ҳам ана шу олий талаблар даражасида бўлмоғи керак.

Турган гап, ўтган 5 йил мобайнида халқимизнинг онги ҳам янги поғоналарга кўтарилди, ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ошди. Бўлажак сайлов эса бунинг ўткир бир синовига айланади.

Ҳа, биз — сайловчиларни янада масъулиятли имтиҳон кутаяпти. Бу имтиҳон осон бўлмайди. Сабаби, бу йилги сайловнинг кўлами бошқача. Агар ўтган сайловда фақат ҳокимлик органлари ва иккита сиёсий партия Олий Мажлис депутатлигига ўз номзодларини кўрсатган бўлса, ҳозирги сайловда ҳокимлик органларидан ташқари 5 та сиёсий партия номзодлари, бундан ташқари, сайловчиларнинг ўз ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган юзлаб мустақил номзодлар депутатлик мандати учун курашмоқда. Агар ўтган сайловда 250 та депутатлик ўрни учун 639 нафар номзод қатнашган бўлса, ҳозирги сайловда номзодлар миқдори қарийиб икки баробарга ошди. Яна бир ўзгачалик шундаки, ўтган сайловда айрим округларда фақат бир нафар, бошқа округларда кўпи билан 3 нафаргача номзод кўрсатилган бўлса, бу сайловда айрим сайлов округларида 7 нафаргача номзод рўйхатга олинди. Хуллас, II чақириқ Олий Мажлис сайловида муқобиллик даражаси ниҳоятда юксак. Шу кескин муқобиллик асосида ўз малакаси ва имкониятларини атрофлича чамалаб кўришга мажбур бўлган айрим номзодлар кейинги сайлов курашларидан воз кечди.

Ҳаёт оқими, тараққиётнинг мураккаб суръати киши бошига синовлар келтириб туради. Гоҳида бу синов дамлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айниқса, бу синов улкан ижтимоий миқёсда юз берса, яъни сен босадиган қадам, айтадиган сўз, содир этадиган ҳаракат фақат сенинг эмас, балки бутун давлат, бутун жамиятнинг тақдирига, манфаатига таъсир кўрсатишини ҳисобга оладиган бўлсанг, унинг залвори унча-мунча эмаслигини алоҳида ҳис қиласан.

Мамлакатимиз Парламенти ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг депутатлигига сайловлар, комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси учун ана шундай улкан ижтимоий аҳамиятли синов дамларидир.

Биз бу синовларнинг моҳиятини чуқур ҳис қилишимиз керак. Ўзимизда гоҳида юз бериб турадиган маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, гуруҳбозлик, майда манфаатларга қулчилик каби нохуш иллатларни енгиб, улардан устун келиб, Ватан, истиқлол, фарзандлар келажагини ўйлаб, етти ўлчаб бир кесиб иш тутадиган, қатъий қарор билан сайлов участкаларига борадиган лаҳзалар олдида турибмиз. Бизнинг танловимиз, сайловда берадиган овозимиз шахсий аҳамиятли, ўткинчи бир ҳодиса эмас, балки ижтимоий-тарихий фуқаролик бурчимиздир. Ана шуни унутмасак, бақувват, юксак малакали ялпи Парламентнинг пойдеворини қўйишга ҳар биримиз ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**М. САФАРОВ.**

## МИСРЛИК МЕҲМОНЛАР ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Мисрдаги "ал-Азҳар" мажмуаси шайхи Муҳаммад Саййид Тантовий бошчилигидаги делегация аъзолари Тошкент Ислом университети мураббий ва талабалари билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари, мазкур университет ректори Ҳ.Кароматов Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ҳақида сўзлар экан, Муҳаммад Тантовийнинг мамлакатимизга буюрган ташрифи икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилажагини таъкидлади.

Мисрлик меҳмон ўлкамизда ислом дунёсига машҳур кўплаб олиму уламолар етишиб чиққанлигини қайд этаркан, мазкур университетда таълим олаётган талабалар ҳам келажакда ўз ота-боболари ишларининг давомчиси бўлажагига умид билдирди. Бунинг учун бу ерда барча қулайликлару имкониятлар етарли эканининг гувоҳи бўлдим, деди у.

Муҳаммад Саййид Тантовий ислом дини ва илми бўйича дунёдаги энг кучли олимлардан бири ҳисобланади. У 15 китобдан иборат Қуръон тафсири муаллифи. 1996 йилдан буён "ал-Азҳар" мажмуаси шайхидир. Бу унвон эгаси Миснинг Бош вазири мақомига эга бўлади.

Учрашувда икки мамлакат илм даргоҳлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, илмий адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва тажриба алмашиш ҳамда ўқитувчиларнинг ташрифларини амалга оширишга келишиб олинди. Муҳаммад Тантовийга Тошкент Ислом университетининг фахрий докторлик унвони берилди. Учрашув якунида Тошкент Ислом университети билан "ал-Азҳар" университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш борасида яхши ният протоколи имзоланди.

"Ал-Азҳар" университети пойтахт Қоҳирада жойлашган бўлиб, дунёдаги энг қадимий таълим маскани ва илм-фан марказларидан ҳисобланади. "Ал-Азҳар" дастлаб масжид сифатида 972 йилда вужудга келган. 988 йилдан эътиборан эса илм даргоҳи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Минг йилдан зиёд вақт мобойнида ислом қонунчилиги ва араб тили, шунингдек, тиббиёт, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлаб келади. Тинчлик ва саховат дини бўлган исломни мустаҳкамлаш, унинг инсонийлик ғояларини тарғиб қилиш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар ўтказиб келмоқда. Мусулмон оламида диний экстремизм ва радикализм, диндан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишга қарши курашни ўз фаолиятининг асосий мақсади, деб ҳисоблайди. Ҳозир "ал-Азҳар"да 176 минг талаба таҳсил олмоқда. Улар орасида дунёнинг деярли барча давлатларидан вакиллар бор. Бугунги кунда ушбу университетда Ўзбекистондан ҳам 24 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Делегация аъзолари шу куни Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди.

**(ЎзА)**

## Улкан ишлар раҳнамоси

Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани марказидаги маданият саройида вилоят барча туманларида истиқомат қилаётган қозоқ миллатига мансуб аҳоли вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлиги сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинги бўлиб ўтди. Уни қозоқ миллий маданий маркази раҳбари Умурзоқ Тўлбоев очди.

Унда меҳнат фахрийлари — Сарсенбой Есимов, Бегим Сериков, «Нуроний» жамғармаси Мирзачўл тумани бўлими раиси Амирали Абдиров ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини, бунда Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёс эканлигини таъкидладилар. Йўлбошчимиз мамлакатимизда миллатлараро тотувликни, тинч ва осуда ҳаётни, юртимиз равнақини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган улкан ишларнинг раҳнамосидир.

Митинг қатнашчилари сайловчиларни 2000 йил 9 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

* * *

Андижонда шаҳар жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинги бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимиз халқи, Ватанимиз равнақи, тинчлиги ва осойишталиги, эл-юрт фаровонлиги, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислоҳотлар бевосита Юртбошимиз номи билан боғлиқ эканини таъкидладилар.

Митинг қатнашчилари бўлажак Президент сайлови кунида Президентимиз Ислом Каримов учун овоз бериш ҳақида сайловчиларга мурожаатнома қабул қилдилар.

* * *

Шу кунларда жойларда кенг жамоатчилик вакилларининг мамлакат Президентлиги сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинглари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси нашриётлар ва матбаа корхоналарининг кўпминг кишилик жамоаси ҳам шу муносабат билан митингга тўпланди. Уни мазкур қўмита раиси Р.Шоғуломов очди.

Митингда сўзга чиққанлар Юртбошимизнинг истиқлолга эришган Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрў-эътиборини ошириш, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш учун кураш, келажаги буюк Ўзбекистонимизни тараққиёт йўлидан бошлашдаги роли беқиёс эканлигини таъкидладилар. Ҳақиқатдан ҳам, ўтган саккиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида ривожланиш бобида мамлакатимиз чин маънода асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Жумладан, маънавий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтариш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Митинг қатнашчилари сайловчиларни Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

* * *

Бир гуруҳ бандитлар тўдасининг Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пункти ҳудудига жиноятқорона бостириб кириб, халқ тинчлиги ва осойишталигига раҳна солмоқчи бўлгани юртдошларимизнинг ёдида. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар идоралари, мудофаа қўшинлари, кенг жамоатчилик вакилларининг саъй-ҳаракати натижасида ёвуз жангарилар топилди ва йўқ қилиб ташланди.

Бугунги кунда кончилар шаҳрида ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Барча аҳоли юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, улкан бунёдкорлик ишлари ва турмуш фаровонлигини Юртбошимиз номи билан боғламоқда.

Шу муносабат билан бу ерда мамлакат Президентлиги сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишлаб ўтказилган митингда ана шу ҳақда гап борди. Митинг қатнашчилари сайловчиларни 2000 йил 9 январ куни бўладиган сайловда фаол иштирок этиб, Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Кимёгарлар шаҳри Чирчиқда ҳам мамлакат Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлиб ўтди.

**(ЎзА)**

## ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг қарорига биноан 3 декабр Халқаро ногиронлар куни этиб белгиланган. Республикамизнинг барча шаҳар ва туманларида ана шу кунга бағишлаб кенг кўламдаги тадбирлар ўтказилмоқда.

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида Халқаро ногиронлар кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири О.Обидов уни очар экан, юртимизда ногиронларни реабилитация қилишга катта эътибор берилаётгани, 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига мувофиқ Миллий реабилитация маркази ташкил этилганини таъкидлади. Айни пайтда вилоятларда ҳам шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда. Ногиронларга билим бериш, уларни касбга йўналтириш, жисмоний чиниқтириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда муҳтож ногиронларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши федерацияси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, турли жамғарма ва ташкилотлар номидан совғалар топширилди.

Учрашув Ўзбекистон санъаткорларининг хайрия концерти билан якунланди.

**(ЎзА)**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Мамлакатимизга бўлажак сайловларда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун кўпгина хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида 15 давлат ва 7 халқаро ташкилотдан келган кузатувчилар билан учрашув бўлди. Унда комиссия раиси Н.Комилов меҳмонларга бўлажак сайловларнинг мустақил Ватанимиз ва унинг халқи келажаги учун муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда маънавий аҳамиятга эга бўлган воқеа эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис сайловига баб-баравар ҳозирлик кўрилаётгани, мамлакатимиз ҳудудида Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 250 сайлов округи ва 8 мингга яқин сайлов участкаси фаолият кўрсатаётгани қайд этилди.

Бу йилги сайловнинг аввалгиларидан тубдан фарқи шундаки, унга Марказий сайлов комиссияси барвақт тайёргарлик кўрди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчиларнинг ташаббус гуруҳларидан Олий Мажлис депутатлигига 1242 номзод рўйхатга олинди. Сайловолди ташвиқотида қатнашаётган депутатликка номзодларга қонунда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳамда уларнинг ўз сайловчилари билан йиғилишлар, сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклдаги учрашувларни ўтказишда тенг ҳуқуқ ва имконият яратилди. Бу эса ўз навбатида сайловнинг адолат тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда эркин демократик тарзда уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказилишини таъминлайди.

Айни пайтда сайловларга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнида бевосита кузатувчилар, жумладан, хорижий давлат ва халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун ҳам барча шарт-шароит яратилган. Бу ишни ташкил этишда ошкоралик, демократия принципларига қатъий риоя этилмоқда.

Афсуски, учрашувда таъкидланганидек, мамлакатимизда бўлажак сайловларга тайёргарлик жараёнига баҳо беришда айрим халқаро ташкилотлар вакиллари фаолиятида доим ҳам ҳаққонийлик ва холислик етишмаяпти. Ваҳоланки, Олий Мажлисга сайловлар амалдаги сайлов тўғрисидаги қонунлар, хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун талабларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилаётир.

Учрашувда халқаро кузатувчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

## МУҲТАРАМ САЙЛОВЧИ!

**Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайловлар куни овоз беришда сайлов бюллетенларини тўлдириш энг масъулиятли дамлар эканлигини унутманг.**

**Бюллетенларни тўғри тўлдириш йўли қандай?**

*Сайлов участкасига келиб, сайлов бюллетенини олганингиздан кейин яширин овоз бериш кабинасига (хонасига) кириб, бюллетенларга тегишли белгилар қўйишингиз шарт. Шуни билиш жоизки, сайлов бюллетенига мазкур округдан овозга қўйилаётган барча депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи қайд этилган бўлади.*

***Сайлов бюллетени ўзингиз қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчириш йўли билан тўлдирилади. Қонуннинг ана шу талабидан келиб чиқиб, Сиз бюллетенда ўзингиз ёқлаб овоз бераётган битта номзоднинг фамилиясини қолдиришингиз лозим.***

***Агар Сиз бюллетендаги барча фамилияларни ўчирсангиз, у ҳолда мазкур округ бўйича кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ҳаммасига қарши овоз берган бўласиз.***

***Агар бюллетенда иккита ёки ундан ортиқ номзоднинг фамилияси ўчирилмай қолдирилган бўлса, Сизнинг бюллетенингиз ҳақиқий эмас деб топилади, яъни овозларни санаб чиқиш чоғида Сизнинг овозингиз ҳисобга олинмайди.***

***Шу нарсани ҳам ёдда тутиш жоизки, сайловчи томонидан бюллетенга қўшимча равишда ёзилган бошқа шахсларнинг фамилиялари ёки бошқа ҳар қандай ёзувларни участка сайлов комиссияси эътиборга олмайди.***

*Қонуннинг ана шу нормаларини билиш ва уларга оғишмай риоя этиш ҳар бир сайловчига овоз бериш куни ўзининг сайловга доир конституциявий ҳуқуқини тўла-тўкис амалга ошириш имконини беради.*

# УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!





*Эртага сайловлар куни. Бу қутлуғ арафа олдидан барча жойларда бўлгани каби Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 80-Нурота сайлов округи ҳам ҳар қачонгидан гавжум. Сайловчилар номзодларнинг таржимаи ҳоли билан яқиндан танишгани келса, сайлов комиссияси аъзолари эса ушбу сиёсий тадбир билан боғлиқ ишларни поёнига етказиш ҳаракатида.*

**СУРАТЛАРДА: мана бу хотин-қизлар эртанги сайловда муносиб номзодлар учун овоз беришади; сайлов куни нималарга кўпроқ эътиборни қаратиш кераклиги хусусидаги масалалар муҳокама қилинмоқда.**

**Абдулғани ЖУМА олган суратлар.**

## МУНТАЗИРМИЗ

Эртага сайлов бошланади. Биз, айтиш мумкинки, бу кунга жиддий тайёргарлик кўрдик. Участка сайлов комиссиямиз 218-Насаф округ сайлов комиссияси қарорига биноан тузилган. Унинг 9 нафар аъзоси бор. Характерли жиҳати, 2301 сайловчи участкамизга келиб овоз берадиган бўлса, шуларнинг 34 нафари биринчи бор сайловда қатнашади. Сайловчиларимиз, асосан, Чўлқувар маҳалласининг 22 та кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи кишилардир. Уларга қулайлик яратиш мақсадида участка сайлов комиссиямиз учун Қарши тиббиёт билим юрти биносининг биринчи қаватидан жой ажратилган.

Айтиш керакки, ваколатимиз доирасига кирадиган ҳар бир ишни ўз вақтида тўла-тўкис бажардик. Сайловчилар рўйхатини ўз вақтида тузиб чиқдик. Бу ишга жамоатчилик вакилларини ҳам жалб қилдик. Сайловчилар рўйхат билан таништирилди. Шу туфайли рўйхатдаги хатолар, ноаниқликлар тўғрисида ариза тушмади. Лекин сайловчилар келиб учрашишаяпти. Ўйлайманки, бу ҳам комиссиямиз аъзоларининг жамоатчилик вакиллари билан ўз ишларини пухта бажарганликлари натижасидир. Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва манзили кўрсатилган. Ва у кўзга кўринарли жойга каталаштириб илиб қўйилган.

Сайлов куни кимдир ўз турар-жойида бўлмаслиги мумкин. Ҳаётда биров қайгадир таъзияга ёки сафарга ёхуд бошқа жойга кетиши зарур бўлиб қолади. Шундай ҳолларда улардан сайлов конвертларини қабул қилиб оламиз.

Албатта, биринчи навбатда яширин овоз бериш кабиналари, қутилар ва бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилиши лозим. Биз бу жиҳатларга ҳам қонун доирасида эътибор бердик. Шу боис ҳеч ким бизга эътироз қилолмайди, деб ўйлайман. Марҳамат, кузатувчилар ҳам ташриф буюришсин. Улар ҳеч шубҳасиз ишимиздан мамнун бўладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, сайловнинг қонун талаблари асосида ўтиши учун бизга кўпчилик яқиндан ёрдам берди. Айниқса, тиббиёт билим юрти раҳбарияти. Шунинг учун жой ва сайлов ашёлари вақтида тайёрлаб қўйилди. Энди гап 5 декабр куни сайловчиларнинг эрталаб соат 6 дан келиб фуқаролик бурчларини адо этишларида қолди. Ўйлайманки, овоз бериш кўпам чўзилмайди. Чунки сайловчиларимиз фаол. Улар халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашига кўрсатилган 3 нафар, вилоят Кенгашига кўрсатилган 4 нафар, Олий Мажлисга кўрсатилган 4 нафар номзоднинг дастурлари билан учрашувларда атрофлича танишишди, таржимаи ҳолини сўраб-суриштиришди, саволлар беришди, масалалар қўйишди. Шундан биламанки, бу тадбирга улар масъулият билан қарашяпти. Зотан, келажагимиз кимга овоз беришимизга боғлиқлигини сайловчилар яхши тушунадилар. Ташрифингизга мунтазирмиз, азиз сайловчилар.

**Муртазо НОРБОЕВ,**
**Қарши шаҳридаги 37-участка сайлов комиссияси раиси.**

## САРАЛАНГАНЛАР ҚОЛАДИ

— Ким учун овоз берганимиз маъқул?

Ана шу савол бугунги кунда биз, сайловчиларни етти ўлчаб бир кесишга ундамоқда. Айни дамда халқ умид билдираётган, қўллаб-қувватлаётган номзоднинг ташкилотчилиги, жамият ишига жонкуярлиги, салоҳияти қандай, деган қатор саволлар ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Иш жойида ҳам, тўртта одамнинг боши битта бўладиган чойхонадаям, уйдаям шу ҳақда мулоҳаза юритяпмиз.

Тўғри-да. Шўравий сайловларда номзоднинг баландпарвоз ваъдаларига ишониб бармоқ тишлаб қолганмиз, ахир. Биз сайлаган депутат коримизга ярармикан, халқ билан ҳокимиятни бир-бирига боғлармикан, қувончу ташвишимизга шерик бўлармикан, деган умидларимиз кўпинча сароб бўлиб чиқди. Баъзида депутатларни танимай, кўрмай, бир оғиз калимасини эшитолмай ўтган йиллар ҳам бўлди.

Хайрият, ҳаммаси ўтиб кетди. Зўравонлик, кўзбўямачилик умри тугади. Бу галги сайловларни илгаригиларга мутлақо тенглаштириб бўлмайди. Ер билан осмонча фарқи бор. Сайлов деган бундоғ бўпти. Битта ўринга тўрт-беш, ҳатто ундан ҳам ортиқ номзод даъвогар. Бизнинг округдан ҳам турли партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳлар томонидан Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодлар кўрсатил-

**Менда фикр бор**

ган. Биз уларни яхши танийммиз. Меҳнаткаш, ҳалолу пок инсонлар. Учрашувлар пайтида улар бор ҳақиқатни ўртага ташлашди. Ниятларини айтишди. Мақсадлари юртни янаям обод этиш, фаровонлигимизни яхшилаш, турмуш қулайликларига эътиборни кучайтириш.

Бизнинг 567-Оқ ёр сайлов участкамиз бўйича 2470 нафар фуқаро овоз беришда қатнашаркан. Сайлов комиссияси аъзолари, тарғиботчилар, қишлоқ фаоллари, мактаб муаллимлари ҳар бир сайловчи билан суҳбатда бўлди. Биз, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва бурчимизни обдон тушунтирди, бу борадаги Қонунлар билан таништирди. Тўғрисини айтсам, аввалгига ўхшаб уйимиздагилар, қўни-қўшнилар учун ҳам биттамиз бориб овоз бериб келаверамиз, деган фикрлар ўтганди хаёлимиздан. Сайлов учаткасидагилар ҳам бир нима дейишмасди илгари. Чунки округдан фақат битта номзод кўрсатиларди. Ўша номзод биз истасак-истамасак ҳам барибир сайланарди. Янаям очиқ айтадиган бўлсам, уни юқоридагилар аллақачон сайлаб бўларди.

Бугунги мустақиллик нашидасини сураётган дамларимизда ҳар бир сайловчи овозининг қадри бўлакча. Бизнинг овозимиз номзоднинг депутат бўлиши ёки бўлмаслигини ҳал этишидан ташқари эртанги кунимиз, Ватанимиз равнақи, тараққиёти, келажагини ҳам белгилайди. Демак, бизнинг овозимиз ўзимизнинг тақдиримиздир. Номзодларнинг шахсий сифатлари, фидойилигини такрор-такрор ўрганиб, уларнинг дастурлари билан эринмай танишганлигимизнинг сабаби ҳам шунда.

**Абдулҳофиз ҲАКИМОВ,**
**Андижон туманидаги «Оқ ёр» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

## ДЕНГИЗ КАБИ ҚАЙНАДИ, ТОШДИ

Кеча Қарши шаҳридаги Мустақиллик майдонига меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари 9 январ куни Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш учун митингга тўпландилар.

Митинг бошланиши олдидан кексаларга, ёшларга, йигитларга, қизларга битта савол билан мурожаат қилдим: «9 январ куни кимга овоз берасиз?» Ушбу саволга жавоб битта бўлди: «Кимга бўларди? Ислом Каримовга-да...».

Менга бу жавобдан кўра, одамларга саволнинг эриш туюлганлиги, саволдан ажабланганликлари ёқди. Негаки, улар учун бу савол ортиқча эди. Уларнинг таъбири билан айтганда «Ислом Каримовдан бошқа Президентликка лойиқ инсон борми? Йўқ». Ҳақ гап. Бунга қўшилмаслик, қувватламаслик мумкин эмас. Шундай экан, уларнинг «Ислом Каримов доимий Президент бўлиб қолишини хоҳлаймиз» деган истак-хоҳишлари ҳам табиий эди. Табиийлиги шундаки, у зот Мустақиллик ижодкори. Тинчлигимизни сақлаб турибди. Ўзбекистонни жаҳонга танитди. Озод ва обод Ватан барпо этди. Ҳалол, пок, адолатпарвар инсон сифатида ҳар бир кишининг қадрини ўрнига қўйди.

Худога шукр, бировга муте, қарам эмасмиз. Озод юртимиз обод бўляпти. Фақат шу иши учунки бир биз эмас, балки келажак насллар ҳам у кишини деса ва номини асрлар оша тилдан қўймаса арзийди.

Бу митинггача бўлган гаплар эди. Митингда ҳам ана шу сўзларга ҳамоҳанг эътирофлар, тилаклар жаранглади. Чоллар, нуронийлар, сиёсий партиялар вакиллари, турли касб эгалари, маҳалла оқсоқоллари Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар. У кишининг сифатларини айтиб адо қилолмадилар.

Ислом Каримовнинг Қашқадарёга меҳри бўлакча. Ўз навбатида қашқадарёликлар ҳам у кишидан жонларини аямайдилар. Қашқа заминида қадимда кўп улуғ зотлар етишиб чиққан, жаҳонга танилган. Айни чоғда Ислом Каримов шу заминдан парвоз қилиб, бутун Ўзбекистонни дунёга машҳур этди. Шундай зот билан фахрланмай, шундай номзодга овоз бермай бўладими? Митинг сўнггида қабул қилинган мурожаатномадаги ана шундай сўзлар ҳар бир кишининг юрагидан отилиб чиққан гап бўлди. Одамларга лиқ тўлиқ майдон денгиз каби қайнади, тошди. Бу улуғ зотга нисбатан Қашқадарё аҳлининг эҳтироми нақадар кучли эканлиги ифодаси эди.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Ўтган куни сайлов участкаларидан бирида овоз беришга тайёргарлик ишларини кузатиб юрсам, «Маданий-маориф» маҳалласи фахрийлар кенгаши раиси Олимжон ота Узоқов кириб қолдилар.

— Лутфуллажон, болам, мана орзиқиб кутилган кунга ҳам етиб келдик. Сезиб турдим, қаттиқ ишлаётганлар. Лекин асосий синов олдинда. Шунда ҳушёррок турингляр. Нимага шама қилаётганимни тушунгандирсиз. Ҳа, баракалла. Одамлар овоз беришда бир тўхтамга келишган бўлса-да, бюллетенни чизиш чоғидаги зиғирдай аралашув бутун тоат-ибодатни чипакка чиқариши ҳеч гап эмас. Бошимиздан ўтгани учун айтаяпман-да.

Сайловларда кўзи пишган Олимжон отанинг гаплари аввалига насиҳатдай туюлди, кейин ўйласам, бари ўринли экан. Рўйхати тузиб қўйилган кузатувчилар, шунингдек, номзодларнинг ишончли вакиллари ва овоз беришни ташкил этишда қатнашадиган бошқа кишилар билан яна бир карра суҳбатлашишга қарор қилдим. Қонун бўйича уларнинг ваколатлари нимадан иборат эканлигию, қайси ишларга аралашмасликлари лозимлигини ипидан игнасигача такрор тушунтиргач, кўнглим ўрнига тушди.

Бу гапни бежиз айтаётганим йўқ. Сабаби, қайта-қайта айтилаётганига қарамай баъзи учрашувларда барибир маҳаллийчилик, мансабига қараб қўллаб-қувватлаш ҳолларига йўл қўйилганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Ана шундай ҳолат овоз беришда ҳам такрорланмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Чунки арзон «ваъдалар»га учадиган ёки ўз бурчини яхши тушунмайдиган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Инсофни ҳар кимнинг ўзига берсин. Сайловда иштирок этарканмиз, ўз тақдиримиз ва келажагимиз учун овоз бераётганлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Бу йилги сайловлар ҳар биримиз учун жиддий синов бўлади. Энг муҳими, юртдошларимиз жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисаларга, мамлакатимизнинг эртанги кунига бефарқ эмас. Улар бўлажак депутатни дастлабки учрашувданоқ танлаб бўлдилар. Бунинг учун округ комиссияси аъзолари томонидан уларга етарли шарт-шароит яратиб берилди. Мулоқотларда сиёсий маданият меъёрлари, қонун устуворлиги таъминланди. Сайлов участкаларимизда ҳамма нарса овоз бериш учун тахт. Бу жараёнда биринчи марта қатнашадиган 4122 нафар йигит-қизларимиз ўз ҳуқуқ ҳамда бурчларини яхши тушунишади. Кекса сайловчиларимизнинг кўпчилиги учун овоз беришни уйларида ташкил этамиз. Бу ҳам бир қулайлик, албатта. Мавжуд 27 та участкада 50 мингдан ортиқ сайловчиларнинг рўйхати тўлиқ чиқарилди. Таклифномалар тарқатиб бўлинди.

Округимиздан Олий Мажлис депутатлигига 6 нафар номзод кўрсатилган. Уларнинг бари халқ иши, юрт келажаги учун бел боғлаган кишилар. Аммо депутатлик ўрни битта. Ҳамма гап ана шу ўринга энг муносиб вакилни танлашда қолди, холос. Сайловчиларимиз бугунги кун депутати қандай бўлиши лозимлигини, қолаверса овоз бериш масъулиятини тўла ҳис этадилар. Бинобарин, округимизда бу сиёсий тадбирнинг муваффақиятли ўтишига шак-шубҳа йўқ.

**Лутфулла МУРТАЗОХОНОВ,**
**Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 90-Наманган округ сайлов комиссиясининг раиси.**

## МАҲАЛЛА

### аҳли ҳам бу тадбирда фаол қатнашади

Маҳалла деганда, кўпинча шарқона усулда қурилган ҳовлилар, гавжум гузар ва унинг чойхоналарини кўз олдимизга келтирамиз. Навоий шаҳрида эса манзара бошқачароқ. Аҳолининг асосий қисми баланд, кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Бироқ мустақиллик шарофати билан кейинги йилларда бу шаҳарда ҳам ўзбекона маҳаллалар пайдо бўлди. Уларнинг сони бугун 29 тага етган бўлиб, 92 миллат ва элат вакиллари аҳил яшамоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилгач, ҳозирги замон шаҳрига маҳаллалар ҳам узукка кўз қўйгандек ярашишига барча тан бермоқда.

Шаҳарнинг кейинги йилларда пайдо бўлган 17-мавзесидаги «Меъмор» маҳалла оқсоқоли Улаш Нурманов билан маҳалланинг эл-юрт фаровонлигини таъминлаш, турли миллат вакилларининг тинч-тотувлигини мустаҳкамлаш, фидокор инсонларни тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисида суҳбатлашдик. Гап айланиб, мамлакатимиз ҳаётидаги катта сиёсий воқеа — сайловлар мавзусига бориб тўхталгач, маҳалла ҳудудидаги 17-сайлов участкаси биносига йўл олдик. У «Ғалаба» шоҳкўчасидаги «Оби нон» новвойхонасининг биринчи қаватида жойлашган экан.

Сайлов участкаси раиси Холмурод Дониёров Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга ўтадиган сайловга энг сўнгги ҳозирлик ишлари кўрилаётганлигини айтди.

Сайловлар хонасида ёпиқ (яширин) овоз бериш учун кабиналар ва махсус қутилар тахт қилиб қўйилибди. Сайловчилар рўйхати ўтган ойнинг 20-санасигача тузилиб, кўзга кўринарли жойга илиб қўйилибди. Мазкур сайлов участкасида эртага 1608 нафар сайловчи ўзларининг фуқаролик бурчини адо этадилар. Таклифномалар аллақачон тарқатилган. Улар Олий Мажлисга 6 нафар, вилоят Кенгашига 4 нафар ва шаҳар Кенгашига эса шунча нафар номзод учун овоз берадилар.

Шу пайт телефон қўнғироғи жиринглаб қолди.

— Менинг ёшим 87 да, — деди ўзини Тоҳир Исмоилов деб таништирган отахон, — жуда кўп сайловларни кўрганман. Лекин бу сафаргиси бошқача: тобора гуллаб-яшнаб бораётган юртнинг эртаси учун овоз берамиз. Бу фикримни, мана, яқин дўстим Караев Сергей Николаевич ҳам қўллаб-қувватлаяпти. Ишонмасанглар, ўзидан сўраб кўринглар.

Эшикни тақиллатиб, хонага кириб келган бир йигит эса бир қучоқ газета ва журналларни стол устига қўйди. Маълум бўлишича, у «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг вакили бўлиб, бу жамият сайловларга тайёргарлик даврида шаҳардаги ҳамма сайлов участкаларига кундалик юмушларни бажаришда ёрдам беришни ўз зиммасига олган экан. Ибратли тадбир!

— Кечгача яна бирров хабар оларман, хизмат бўлса, айтарсизлар, — деди у кетишга чоғланар экан.

— Тушликдан кейин комиссия аъзолари Фарҳод ака Файзиев ва Рустам Иброҳимовларни шаҳар сайлов комиссияси ҳузуридаги «Сайловчилар клуби»га олиб бориб келсанг, девдим, Қоплонбек. Улар зарур ҳужжатларни олиб қайтадилар. Кечки соат 17 да эса сайловга тайёргарлик қандай аҳволда эканлигини яна бир бор муҳокама қиламиз, — деди раис унинг кетишига рухсат берар экан.

Сўнг бизга юзланиб сўзида давом этди:

— Сайлов участкамиз бўйича 57 нафар ёш сайловчи рўйхатга олинган. Жаҳонгир Эшмуродов, Гўзал Иброҳимова, Василий Шлёмкин ва бошқа ёшлар суҳбат асносида сайловларда фаол иштирок этиш — ўз тақдирига фаол муносабатда бўлиш эканлигини таъкидлаб, энг муносиб номзодларга овоз беришларини маълум қилдилар.

Қувонарлиси шуки, шаҳардаги барча маҳалла қўмиталари ўз ҳудудларида ташкил этилган сайлов участкаларига астойдил кўмаклашиб, уларнинг шу кунлардаги долзарб юмушларига камарбаста бўлмоқдалар. Зотан, маҳалланг — отанг-онанг. Ҳар қандай кунда у одамларга елкадош, кўмакдош.

Ҳа, Навоий вилояти ҳудудидаги 315 та сайлов участкасининг ҳаммасида сайловларга пухта тайёргарлик кўрилди. Вилоятда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловлар уюшқоқлик билан ўтишига ишонч бор.

**П. ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ёш сайловчилар минбари

## АЖДОДЛАР КУТГАН БАХТ



5 декабр куни тенгдошларим қатори мен ҳам илк бора сайловда иштирок этаман. Бу ҳақда ўйлаганимда биз — ҳозирги ёшлар аждодларимиз асрлар бўйи кутган бахтнинг ҳақиқий эгалари эканлигимиздан фахрланаман.

Албатта, ҳар кимга ўз Ватани, ўз она замини азиз. Аммо айни кунда оламда Ўзбекистонимиздек бахтиёр, барқарор, осойишта, гўзал ва обод юрт борми?!

Ҳали ёш толиб бўлсам-да, бир ҳақиқатни чуқур англайман. 5 декабр куни биз озод эл учун, унинг энг муносиб вакиллари учун овоз берамиз. Сохта шиорлар билан эмас, амалий ишлар билан халққа қайишадиган номзодларни танлашнинг уддасидан чиқамиз.

**Неъматжон САИДАЛИМОВ,**
**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси.**



Ҳар куни тонг билан олийгоҳга отланар эканман, Тошкентимизнинг кун сайин чирой очаётган жамолига боқиб қалбим ифтихор туйғуси билан тўлади. Пойтахтимиз бутун Осиёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди.

Бунда мустақил мамлакатимиз Парламентининг ҳам муносиб улуши бор. 5 декабр куни эса янги Парламент аъзоларини сайлаймиз. Куни кеча сайлов участкасида бўлиб номзодларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари билан танишдим. Ўзим учун округимиздан Олий Мажлисга ва Тошкент шаҳар Кенгашига энг муносиб номзодларни танлаб қўйдим. Улар кимлар? Бу якшанбагача сир. Албатта, биз овоз берадиган номзодлар ишончимизни оқлашига шубҳа йўқ.

**Беҳзод ЮСУПОВ,**
**Тошкент юридик институти талабаси.**

## ЎЗ ЙЎЛИМИЗ, ЎЗ СЎЗИМИЗ БОР

***Президентимиз яқинда Туркияда бўлиб ўтган Истанбул саммитида яна бир бор «Ўзбекистон... ўз келажагини демократик давлатлар ҳамкорлигида кўради», дедилар. Зеро, бу шунчаки ёхуд дипломатия учун айтилган гап эмас. Аксинча, у чуқур маънога эга бўлиб, ўз навбатида бизнинг зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.***

***Бизнинг мақсадимиз аниқ: бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш. Бу, албатта, аниқ бир вақтни, ҳатто айтиш мумкинки, маълум бир даврни талаб қиладиган жараён. Унга етиш, эришиш учун ўзимизга хос ва мос бўлган йўлни танлаганмиз. Биз мақсадимизга тезлик ва шошма-шошарлик билан эмас, аксинча босқичма-босқич эришмоқчимиз: янгисини қурмай туриб, эскисини бузиш ниятимиз йўқ. Бу йўл ва тажриба тўғрилигини бугунги кунда вақт ҳам, ҳаёт ҳам исботламоқда.***

Мақсад битта бўлиши мумкин, лекин унга етиш, эришиш йўллари, одатда, турлича бўлади. Бунда, албатта, ҳар бир мамлакат ўзининг мавжуд шароити, имконияти, аниқроқ айтганда менталитетидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлади, йўл тутади.

Кўп узоққа бормай Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўладиган сайловларни олайлик. 1994 йилги биринчи чақириқ Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар сайловига ҳаммаси бўлиб иккита сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари қатнашган бўлса, орадан кўп эмас, бир сайлов муддати ўтгач гувоҳи бўлаётганимиздек, бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган мустақил номзодлар иштирок этаяпти.

Ҳар биримиз демократия ҳақида ўз фикр ва тасаввурларимизга эгамиз. Сайловларимизнинг демократик асоси қандай? Демократик тамойилларимиз жаҳон андозаларига мосми? Ўзи жаҳонда синалган, ҳамма давлатлар учун бирдай бўлган демократик тамойиллар мавжудми? Умуман, бу борада барча халқларни бир қолипга солиб бўладими? Йўқ, албатта.

Биз — қадим халқмиз. Шарқнинг фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятлари кўп. Биз халқаро демократик тамойилларга риоя этамиз, ҳамжамият қонун-қоидаларини ҳурмат қиламиз. Шу сабаб ҳам халқаро миқёсда қадримиз ва обрўйимиз кундан-кунга ортиб бормоқда. Лекин қадимийлик даражамиз демократиянинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олишимизни тақозо этади. Чунки халқ қанчалик қадимий бўлса, унинг тафаккури, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий онги ривожланишида тадрижийлик шу қадар кучли бўлади. Бу тадрижийлик, айниқса, ота касбининг фарзандига ўтиб бориши, ёш авлод дунёқарашининг шаклланишига катталар таъсирининг кучлилиги, миллат маънавияти, маданияти тарихига кучли ҳурмат каби жабҳаларда ёрқин намоён бўлади.

Миллат хусусиятидаги ана шу тадрижийлик алалоқибат сайлов жараёнида ҳам намоён бўлиши табиий. Кишиларимиз онги, тафаккури, сиёсий қарашлари кўпроқ шарқона тарзда, қадим шарқ тафаккури таъсирида шаклланганi сир эмас. Касб, амал ва давлат бошқарувига муносабат масалаларига Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Низомий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби Шарқ мутафаккирларининг бадиий ва илмий асарларида ўта жиддий қаралган. Ўзбекда давлат бошқаруви ва уни ташкил қилиш ишига қадимдан турлича муносабат шаклланган, яъни кимдир бу ишга қодирлигини ҳис этиши, кимдир эса қодир эмаслигини рўй-рост тан олиши ўзбекона характернинг, тантиликнинг ёрқин белгиларидан биридир. Яъни, халқимизнинг урф-одатлари, давлат тизими, уни бошқаришга бўлган қарашлари, демак, одамларнинг шажаравий тарихи ҳам минг йиллар давомида аста-секинлик билан босқичма-босқич шаклланган. Табиийки, кимдир сиёсий бошқарувга ўзида идрок сезиб интилади, кимдир имкониятларидан келиб чиқиб, бу жараёнда қатнашиш истагини билдирмайди. Сайловолди жараёнининг бугунги ҳолати ҳам ана шундан далолат бериб турибди.

Депутатликка кўрсатилаётган номзодлар давлат бошқарувига лойиқ кишилар бўла олиши учун уларнинг ақлий, ахлоқий, маънавий, илмий сифатларига қўйилган асосий талаблардан ташқари, тажрибалар натижасидан келиб чиқиб, махсус бошқарув хислатларига ҳам эътибор берилаётгани боиси ҳам ана шунда. Низомий Арузий Самарқандийнинг «Мажмаъун наводир» (Нодир ҳикоятлар) асарида ёзилганидек «...Подшоликдан кўра оғирроқ юк, мамлакатни бошқаришдан кўра мушкулроқ иш йўқ. Демак, подшо яқинлари шундай бўлиши лозимки, оламнинг оғир-енгилини, бандаларнинг тинч ва нотинчлигини ўзларининг маслаҳатлари, фикр ва тадбирлари билан ҳал қила олсинлар ва уларнинг ҳар бирлари ўз даврларининг энг фозил ва энг мукаммал кишилари бўлсин».

Сайловлар жараёнининг кечишига қараб шунга амин бўлиш мумкинки, халқимиз ўз йўлини ўз Йўлбошчиси билан бирга танлаб олган ва тўғри ҳамда истиқболли манзил сари бораётганимизга барчанинг имони комил. Шу боисдан Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига муносиб номзодларнинг қўллаб-қувватланаётганлиги тасодиф эмас. Ана шу юксак ишонч — тараққиётимиз барқарорлигининг, ислоҳотларимиз ғалабасининг кафолати ҳамдир.

**Мавлудахон ИМИНОВА,**
**республика «Оила» илмий-амалий маркази катта илмий ходими.**

